

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА СИНЕРГЕТИК ЁНДАШУВ

Кувандиков Шухрат Облоқулович,
СамДУ доценти, и.ф.н.
Email: shuhratq@rambler.ru

Аннотация: Мақолада оилавий тадбиркорлик фаолиятининг ўз-ўзини ташкил этиш хусусиятлари синергетик ёндашув асосида таҳлил этилган. Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг давлат ва синергетик ёндашуви қиёсий таҳлил этилиб, ўз-ўзини ташкил этиш тушунчаси тадқиқ этилган.

Аннотация: В статье предпринята попытка анализа особенности самоорганизация семейных предпринимательской деятельности в рамках синергетического подхода. Исследовано понятия самоорганизация, проведен сравнительный анализ государственный и синергетический подход поддержки семейного предпринимательства.

Abstract: The author of the article tries to analyze specific features of self-organization of family entrepreneurship within synergetic approach. The author studies the concept of self-organization, conducts analysis of the state and synergetic approach to support family entrepreneurship.

Калитли сўзлар: оилавий тадбиркорлик, синергетика, ўз-ўзини ташкиллаштириш, синергетик тамойиллар, синергетик ёндашув.

Кириш

Мамлакатимизда аҳолининг бандлиги ва даромадларининг барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда тобора муҳим ўрин тутаятган кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва ривожлантиришга янада устувор аҳамият берилмоқда.

Бу борада “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш масаласи белгилаб қўйилган[1]. Шунингдек, 2018 йилни “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши бу йўналишдаги ишларни янада фаоллаштиришни тақозо этади.

Маълумки, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими бир неча йўналишларда амалга оширилиб, ўзига хос ёндашувларни талаб этувчи мураккаб жараён ҳисобланади. Бундай мураккаб жараёнларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш эндиликда ноанъанавий методологик концепциялар, масалага ўзгача ёндашиш тамойилларини кашф этиш заруратини тақозо этмоқда. Муаммоларни бартараф этишга янги илм соҳаси сифатидаги синергетик ёндашув принциплари бу жараёнларни тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этиб, унинг методологик имкониятларидан (очик тизим, ўз-ўзини ташкиллаштириш, ўз-ўзини бошқариш, аттрактор, нозиклик, флуктуация, бифуркация, тартиб ва хаос, фрактал, кўп вариантлик, муқобиллик) кенг фойдаланиш заруратини юзага келтирмоқда. Синергетика методларини тадбиркорлик соҳасида қўлланиши унинг методологияси

ривожига катта хисса қўшиб, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш жараёнининг ҳам “синергетиклиги”, яъни, ўзини-ўзи ташкил этиш хусусияти тўғрисидаги ғояларни исботлайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Синергетика тушунчаси (юнонча “synergetikos” – “ҳамкорлик”, “ҳамдўстлик”, “биргаликда ҳаракат”) маъноларини англатади [2]. Г. Хакен ўзининг “Синергетика” номли китобида бу терминни маъносининг икки жиҳатини ажратиб кўрсатади. Биринчидан, бирикишга, кооператив ҳаракат қилишга интилаётган элементларнинг ўзаро ҳамкорлиги, биргаликда ҳаракат қилиш натижасида ўз-ўзини ташкиллаштириб бир бутун тизимнинг вужудга келиши, иккинчидан, турли фан соҳаларида фаолият юритувчи олимларнинг ҳамкорлиги, биргаликдаги фаолияти тушунилади [3]. Ушбу тадқиқот ишида ҳар иккала ёндашув принципларига асосланиб иш кўрилади.

Б. Тўраевнинг жамоавий монографиясида синергетика тушунчасига мураккаб система сифатида қаралиб, унга қўйидагича таъриф беради. Синергетика – мураккаблик, мураккаб системаларнинг ҳамкорликдаги ўзини – ўзи ривожлантириши ҳақидаги фан [4]. Шунингдек, муаллифлар “мураккаблик” тушунчасини изоҳлаб, мураккабликнинг мураккаблиги унинг кўп компонентли эканлигида ва ундаги алоқадорликларнинг кўп тармоққа тармоқланиб кетганлигида деб таъкидлайди.

Синергетикага оид турли манбалар [2-5] таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, синергетика атамаси дастлаб физик ва биолог олимлар тадқиқотларида кузатилиб илмий муомалага олиб кирилган. Бугунги кунда синергетика табиий-илмий билимлар чегарасидан чиқиб, иқтисодий билимлар соҳасига ҳам шиддат билан кириб бормоқда. Бундай қарашлар бозор иқтисодиёти назариясини тушунтиришда ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Синергетикани ижтимоий-иқтисодий тизимларга татбиқ қилишда дастлаб А. Смит кейинчалик К.Маркс қарашларидаги “кооперация” (лотинча-ҳамкорлик, ҳамдўстлик) тушунчасида ҳам ўз ифодасини топган [5]. Бундай қарашлар иқтисодий тизимларнинг ривожланиши кооперациялашувга асосланиши ёки синергетика қонуниятларига бўйсунганини намоён этади. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини амалга ошириш учун ўз-ўзини молиялаштириш ва ишлаб чиқаришда ҳамкорликни таъминлаши керак. Бу эса бозор иқтисодиётининг табиий шарти бўлиб, бунинг натижасида иқтисодий ривожланишнинг барқарор тизими вужудга келади.

Синергетик ғоялар турли иқтисодий тизимлар каби кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик соҳасида ҳам мувафақиятли қўлланилиб, юқори иқтисодий самара бериши таъкидланади. Масалан, бу борада иқтисодий адабиётларда давлат ресурсларидан фойдаланилмаган ҳолда иқтисодий ўсиш манбаларини аниқлашда турлича ёндашувлар мавжуд [6]. Бу асосий ғоя даромад олиш ва сармоя йиғиш бўйича уй хўжаликларининг ўз имкониятларини баҳолаш ва улардан фойдаланиш йўлларида иборат бўлиб, оила фаровонлигини белгиловчи омилларни ўз-ўзидан излаб топишга имкон беради. Бу синергетиканинг ўз-ўзини ташкиллаштириш хусусиятини намоён қилади.

БМТнинг машҳур ҳужжатларида қайд этилишича, қашшоқликка қарши курашиш, кичик тадбиркорликни ривожлантиришда мақсадли молиявий ёрдам кўрсатиш катта аҳамият касб этади [7]. Бу ёрдам ижтимоий ишлаб чиқариш

инфратузилмасига, оилавий ва кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлиши лозимлиги таъкидланади. Бу концепциянинг синергетик моҳияти шуни ифода этадики, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи барча инфратузилма объектларининг ўзаро бирикиши, ҳамкорлиги ва биргаликдаги ҳаракати натижасида кўзланган мақсадга эришилиб, бир бутун тизимни ҳосил қилади. Бу эса синергетиканинг “ҳамкорлик” ва “биргаликда ҳаракат” принципларининг амалий аҳамиятини кўрсатади.

Ф.Маматов кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тизимига синергетик ёндашиб, унга қуйидагича изоҳ беради: “синергетиканинг асосий вазифаси “бошқаришсиз” бошқаришга эришишдир, яъни кичик резонанс ҳаракатлар ёрдамида тизимни инсон учун қулай бўлган ривожланиш йўлига олиб чиқиш, ижтимоий тизимларни ташкил этиш ёки қайта ташкил этиш зарурати бўлмасада, уларни ўзини-ўзи ривожланиш йўналишларига олиб чиқишдан иборат” [8], деб таъкидлайди.

Иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш соҳасини синергетик ёндашув асосида талқин қилишга бағишланган ишлар ҳам диққатга сазовор. Бу йўналишда О.Пардаевнинг фикрича синергетика деганда, маълум бир фаолиятда юқори ижобий натижага эришиш мақсадида манфаатдор субъектларнинг куч ва имкониятларини бирлаштирган ҳолда ўзаро ҳамкорликдаги аниқ тизимли ҳаракат тушунилади [9].

С. Ташназаровнинг мулоҳазаларига кўра, хизматлар соҳасида кечадиган жараёнларда акс этадиган алоҳида қисмларнинг ўзаро таъсири, ўзаро мувофиқлашуви, тизимда янги сифат кўрсаткичларининг пайдо бўлиши, мазкур иқтисодий тизимни ривожланишида ўз-ўзини ташкиллаштириш механизмларини яхлит равишда ўрганиш синергетик ёндашувни намоён қилади [10].

Мазкур келтириб ўтилган ишларда турли хил ижтимоий-иқтисодий тизимларда ўзини-ўзи ташкил этиш, ночизиқлик, мувозанатсизлик, “хаос орқали тартиб”нинг пайдо бўлиши ва бифуркация ўзгаришлари каби жараёнларни ўрганиш билан боғлиқ янги дунёқарашлар тадқиқ этилган. Лекин, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда синергетика тамойилларининг намоён бўлиш хусусиятлари тадқиқот объекти ва предмети сифатида қаралмаган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот методологияси сифатида оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга оид олимлар фикрини ўрганган ҳолда, синергетик ёндашув, мантиқийлик, танлаб кузатиш, гуруҳлаш ва қиёслаш каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Сўнгги йилларда аҳоли бандлиги ва даромадларининг барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишнинг самарали усули сифатида оилавий тадбиркорликнинг турли шакллари ривожлантиришга янада устувор аҳамият берилиб, уни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари ҳам яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни, «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони, «Тижорат банклари томонидан оилавий тадбиркорлик субъектларига бандликка кўмаклашиш жамғармаси кредитлари хисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги ва «Касаначилик тўғрисида низом»лар қабул қилинди.

Ушбу қонуний ҳужжатларда “кооперация”, “кўмаклашиш”, “шартнома”, “кафолат” ва “ўзини-ўзи бошқариш” тушунчалари кўп марта қўлланилган. Бу тушунчалар синергетик ёндашувда қўлланиладиган муҳим методологик категориялар сифатида оилавий тадбиркорликни ҳуқуқий қўллаб-қувватлашнинг синергетик манзарасини ифода этиб, у ҳар томонлама кўмаклашувга мойил очиқ тизим эканлигини кўрсатади.

Буларнинг натижаси ўлароқ миллий иқтисодиётда оилавий тадбиркорлик мустақил субъект сифатида иштирок этиб, макроиқтисодий кўрсаткичларда ўзига хос ўрин эгалламоқда. Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, 2017 йил 1 январь ҳолатига республикамизда оилавий тадбиркорлик субъектлари сони 86891 тани, уларнинг товар ва хизматлар сотишдан тушган соф тушуми 679320,32 млн.сўмни (соф тушумнинг битта оилавий корхонага тўғри келадиган ўртача ҳажми 141,8 млн. сўм), оила умумий даромадлари таркибида мулк ва тадбиркорлик даромадлари 55,2 %3 ни, яратилган иш ўринлари 358,564 минг тани ташкил этган. Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, оилавий тадбиркорлик нисбатан кичик хўжалик юритувчи субъект бўлиши билан ушбу фаолият турида миллий даромад ва бандликнинг анчагина қисми яратилмоқда. Булар эса унинг миллий иқтисодиётдаги ўрнини намоён этади.

Мамлакатимизда амалдаги қонунларга кўра оилавий тадбиркорликни давлат томонидан ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш тизими қуйидагилар билан шартланган[11;12]:

- Давлат оилавий корхонанинг ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди;

- Давлат органлари оилавий корхонани ривожлантириш ва мустақамлашга кўмаклашиши шарт;

- Давлат органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

- фойдаланилмаётган яшаш учун мўлжалланмаган жойлар уларда товарлар ишлаб чиқаришни (ишлар бажаришни, хизматлар кўрсатишни) ташкил этиш учун оилавий корхонага ижарага берилишини;

- ишлаб чиқариш майдонлари қуриш учун оилавий корхонага ер ажратилишини;

- оилавий корхона ишлаб чиқариш объектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишини;

- оилавий корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилиш учун махсус жойлар берилишини таъминлайди.

Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимида молиявий кўмаклашиш ҳам амалга оширилаётган стратегик вазифаларнинг таркибий қисмидир. Оилавий тадбиркорликнинг барқарор фаолият кўрсатиши кўп жиҳатдан ажратилаётган кредитлар салмоғига боғлиқлигини тадқиқотларимиз кўрсатмоқда. Бу борада шуни айтиш жоизки, кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар тадбиркорлар талабини тўлиқ қондириш даражасида эмас. Сўралган⁵ оилалар ичида оила ресурслари

¹Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари (<https://stat.uz/uz/432-anlitcheskie-materialy-uz/2032-korxonalar-va-tashkilotlarning-demografiyasi?>)

²<http://stat.uz/uz/432-analitcheskie-materialy-uz/2031-o-zbekiston-respublikasida-kichik-biznes-va-xususiy-tadbirkorlikning-rivojlanishi?>

³ Ўша жойда

⁴ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

⁵ Самарқанд вилояти Нарпай тумани Янгиқўрғон ҚФЙда ўтказилган сўров натижалари, муаллиф томонидан ўтказилди.

базасида оилавий тадбиркорликни ташкил қилиш истагида бўлганлар буни амалга оширганларга қараганда икки баравар кўпни ташкил қилган. Бундан кўринадики, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган омиллардан энг асосийси молиявий омилдир. Чунки оилаларнинг кўпчилиги бунинг учун етарли молиявий манбага эга эмаслигини маълум қилишади. Бунга далил сифатида айтиш мумкинки, ҳозирги шароитда тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган оила камида 20-25 млн. сўм маблағ жалб қилиши керак бўлади. Жамғарма шаклидаги бундай маблағга сўралган оилаларнинг 60-70 фоизи эга холос, 30-40 фоиз оилалар эса кредит маблағларига муҳтож.

Демак, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда микромолиявий кўмак бериш зарурат этади. Масаланинг бу томони «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг «Оилавий корхонага банк хизмати кўрсатиш ва уни кредитлаш» деб номланган 29-моддасида ўз аксини топган. Жумладан, унда оилавий корхонага банк хизмати кўрсатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ банк билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилиши, банклар белгиланган тартибда оилавий корхонанинг миллий ва хорижий валютадаги ҳисоб варақларини очиши ҳамда уларга хизмат кўрсатиши, оилавий корхонани кредитлаш банк ёки бошқа кредит ташкилоти билан тузиладиган кредит шартномаси асосида амалга оширилиши, оилавий корхонага кредитлар беришда банклар, бошқа кредит ёки суғурта ташкилотлари кафолат берувчи бўлиши мумкинлиги, тўловга қобилиятли юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кафил бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Синергетиканинг энг муҳим жиҳати шундаки, у ўз-ўзини бошқарувчи тизимларда фаолият кўрсатаётган тадқиқотчи-олимлар ишларини маълум бир йўналишда бирлаштиришга хизмат қилишидир. Ёки бошқача айтганда синергетика мураккаб тизимларни, ўзини-ўзи ташкил этиш ҳодисаларини ўрганаётган билим соҳаларига тааллуқли бўлган, универсал методологик парадигма бўлиб, ўрганилаётган предмет ва объектга ягона фанлараро ёндашувни намоён қилади. Шундай экан, бу борада Д. Муродованинг [13] тадқиқотларига асосланган ҳолда, молиявий кўмакка муҳтож бўлган оилавий тадбиркорлик субъектларини 3 гуруҳга ажратиш ўрганиш юқори самара бериши мумкин:

Биринчи гуруҳга, тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган оилаларга бошланғич капитални шакллантириш учун энг кам фоизли микрокредитларни (20-25 млн. сўм)⁶ ажратиш ва иқтисодий-ҳуқуқий маслаҳат хизматларини кўрсатиш.

Иккинчи гуруҳ, асосан ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш истагида бўлган оилавий тадбиркорлик субъектлари бўлиб, уларга янги иншоотларни қуриш, хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар сотиб олиш учун узоқ муддатли банк кредитларини ажратиш ва асбоб-ускуналарни лизингга бериш.

Учинчи гуруҳда эса, барқарор юқори самарали фаолиятни йўлга қўя олган, банк кредитларини олиш учун етарли гаров таъминотига эга бўлган оилавий тадбиркорлик субъектларига ўз товар ва хизматларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатишга кўмаклашиш лозим.


Бундай чора-тадбирларнинг амалда қўлланилиши, оилавий тадбиркорлик субъектларини банклардан имтиёзли кредитлар олиш жараёнини соддалаштиришга,

⁶ Самарқанд вилояти Нарпай тумани Янгиқўрғон ҚФЙда ўтказилган сўров натижалари, муаллиф томонидан ўтказилди.

ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга чиқаришга хизмат қилиб, банк-молия тизими томонидан соҳанинг кенг қўллаб-қувватланишига имкониятларни яратади.

Шунингдек, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимида ҳамкорликда, биргаликда, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш тамойилларини ифода этувчи кластерларни ташкил қилиш ҳам уларнинг рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Бизнингча, оилавий тадбиркорлик кластери деганда, географик жиҳатдан қулай ва яқин бўлган, ишлаб чиқариш ёки хизмат соҳасида фаолият кўрсатадиган ва фаолиятида бир-бирини тўлдирадиган оилавий корхоналар гуруҳи тушунилади.

Синергетик ёндашув жиҳатидан оилавий тадбиркорликни нафақат ҳуқуқий ва молиявий қўллаб-қувватлашга, балки ўзини-ўзи ташкил этиш ва ривожлантиришига ҳам эътибор берилади. Ўзини-ўзи ташкил этиш механизмлари синергетиканинг предмети ҳисобланади. Бунини оилавий тадбиркорликнинг ўзини-ўзи ташкил этиш хусусиятларида кўриш мумкин (1-расм).



1-расм. Оилавий тадбиркорликни ўз-ўзини ташкиллаштириш хусусиятлари

Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

Фикримизча, оилавий тадбиркорликни синергетик ёндашув асосида тадқиқ қилиш, унинг қўйидаги жиҳатларидан келиб чиқади:

- оилавий тадбиркорлик - ўзини-ўзи ташкил этиш ва ўзини-ўзи ривожлантиришга мойил очиқ тизим эканлиги;

- оилавий тадбиркорлик ўзига хос субъект (тизим) сифатида унинг барча ташкил этувчи элементлари (капитали, мулки, аъзолари) ўзаро таъсирда ва боғлиқликда бўлиши;

- “оила - оила мулки - оилавий тадбиркорлик” категориялари бир-бири билан узвий боғлиқ мураккаб тушунчалар бўлиб, уларнинг бир-бирисиз мавжуд бўлмаслиги;

- оилавий тадбиркорликнинг ривожланишида унинг ҳар бир устуворлиги ва афзаллиги (ворислик, манфаатдорлик, рақобатбардошлик, капитал тежамкорлик ва б.) алоҳида аҳамият касб этиши ва б.

Оилавий тадбиркорликнинг ушбу ўзига хос жиҳатлари унинг синергетика тамойилларига қанчалик мос келишини, шунингдек уни янада чуқур билиш-англашга қўмаклашуви мумкин эканлигини кўрсатади.

Тадқиқот мавзусидан келиб чиқсак, синергетика турли хил соҳаларда мураккаб тизимларнинг ривожланиш ва ўзини-ўзи ташкил этиш умумий принципларини аниқлашга қаратилган ёндашув бўлиб, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда улкан назарий ва амалий аҳамият касб этади. Чунки оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун мавжуд бўлган ўзига хос омиллар, имкониятлар ва қулайликлар бу тизимга синергетик ёндашувни зарурат этади.

Хулоса ва таклифлар

Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга синергетик ёндашув тамойилларини қўллаш асосида қўйидаги хулосаларга келинди:

- оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими синергетик ёндашувни талаб этиб, унинг самарали амал қилиши “кооперация”, “қўмаклашиш”, “ҳамкорликда”, “биргаликда”, “ҳамжиҳатликда ҳаракат” “ўз-ўзини бошқариш”, “ўз-ўзини ташкиллаштириш” ва “ўзаро таъсир” каби механизмларга асосланади;

- оилавий тадбиркорликнинг беқарор фаолият кўрсатиши натижасида унинг янги сифат босқичига ўтишга имкон излаши бифуркация жараёнини намоён этади. Ўрганилаётган тизимда бу ҳолат кўп жиҳатдан молиявий омилларга боғлиқ бўлиб, “оилавий тадбиркорлик - молия институтлари”нинг ўзаро самарали ҳамкорлигини йўлга қўйишни талаб этади. Бунинг натижасида тизим кейинги бифуркация нуқтасигача илгариланма ривожланишини давом эттиради.

- ҳар бир оилада тадбиркорликни йўлга қўйиш, уларнинг ўз-ўзини иш билан бандлиги ва фаровонлигини таъминлайди. Бу эса оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши орқали кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳам ўз ечимини топиб, давлатнинг тартибга солиш бўйича функцияларини ҳам сезиларли даражада қисқарилишига олиб келади. Бу жараёнлар синергетиканинг “ўз-ўзини ташкиллаштириш” ва “ўзаро таъсир” хусусиятларини намоён этади;

- оилавий тадбиркорликни синергетик ёндашув асосида қўллаб – қувватлашда улар манфаатини ҳимоя қилувчи уюшмаларга бирлашиши ва ишлаб чиқаришни кластер асосида ташкил этиш катта аҳамият касб этади. Бу эса синергетик самарани

ошириб, “Оилавий корхоналар уюшмаси” ва “Оилавий корхоналар кластери”ни тузишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 2017 йил 7 февраль, ПФ – 4947-сон.
2. Бозоров Д. Синергетик парадигма. Монография. Тафаккур нашриёти. – Т.: 2010.
3. Хакен Г. Синергетика. - М.: Мир, 1980. 404 с.
4. Тўраев Б.О., Эргашева М.Х., Рахмонов Б.У., Мўминова З.О., Очилов Ж. Синергетика: моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда намоён бўлиши. Т.: Наврўз нашриёти, 2017, 12-13 бет.
5. Лихтенберг Г. К. Деградация философии. - М., 2004.
6. Эрнандо де Сото Х. Загадка капитала. Почему капитализм торжествует на западе и терпит поражение во всем остальном мире? М.: «Олимп-Бизнес», 2002.
7. Материалы семинара по вопросам инновационной культуры. ЮНЕСКО. Париж, 2002й. 28 феврал-1март.
8. Маматов Ф. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тизимини синергетик ёндашув асосида такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. - Т.,2012.
9. Пардаев О.М. Махсулотларни сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. –Т.: Fan va texnologiya, 2017, 141 бет.
10. Ташназаров С. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишида синергетик ёндашувнинг намоён бўлиш хусусиятлари.// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №5, сентябрь-октябрь, 2016 йил (www.iqtisodiyot.uz).
11. Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни (26 апрель 2012 й).
12. «Тижорат банклари томонидан оилавий тадбиркорлик субъектларига бандликка кўмаклашиш жамғармаси кредитлари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги (ЎзР АВ 03.06.2002 й, 1146-сон) низом.
13. Муродова Д. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш механизминини такомиллаштириш йўналишлари. Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы IV-го Форума экономистов (Часть II) / под общ. Ред. д.э.н. А.М. Садыкова. – Ташкент: ПРООН, ИПМИ, 2012. -198 с.